

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**44-сон**  
**(1064)**  
**2022 йил**  
**ноябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

411. «Стандартлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 3 ноябрдаги ЎРҚ–800-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

412. «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 ноябрдаги ПҚ–414-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

413. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 24 октябрдаги 453-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг

ички тартиб қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-6*)

414. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 4 октябрдаги 2022-29-сон «Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3237-2*)
415. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 29 сентябрдаги 43-сон «Крипто-дўкон фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3395*)
416. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 53-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (14-сонли БҲС) «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3396*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 411 Стандартлаштириш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
15 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 7 октябрда  
маъқулланган

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади стандартлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши стандартларни ва стандартлаштиришга доир тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда қўллаш, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги давлат назоратини амалга ошириш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Ҳарбий соҳада, давлат сирларини ва бошқа ахборотни ҳимоя қилиш соҳасида, атом энергиясидан фойдаланиш, ядровий ҳамда радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида, молия ва таълим соҳасида стандартлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

#### 3-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонунчилик

Стандартлаштириш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**миллий стандарт** — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти томонидан қабул қилинган ҳамда кенг жамоатчилик учун очиқ бўлган стандарт;

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

**стандарт** — фаолиятнинг ҳар хил турларига ёки уларнинг натижаларига тааллуқли бўлган, умумий ва кўп марта фойдаланиш учун қоидаларни, умумий принципларни ёки тавсифларни белгилайдиган ҳамда муайян соҳада тартибга солишнинг энг мақбул даражасига эришишга қаратилган ҳужжат;

**стандартлаштириш** — муайян соҳада тартибга солишнинг энг мақбул даражасига эришишга қаратилган, ҳақиқатда мавжуд бўлган ёки кутилаётган вазифаларга нисбатан умумий ва кўп марта фойдаланиш учун қоидаларни белгилайдиган фаолият;

**Стандартлаштириш бўйича миллий орган** — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти;

**стандартлаштириш бўйича техник қўмита** — фаолиятнинг йўналишлари бўйича стандартлаштириш тизимини ривожлантиришни амалга оширишда иштирок этувчи маслаҳат-кенгаш органи;

**стандартлаштириш объекти** — маҳсулот, товарлар, хизматлар (бундан буён матнда маҳсулот деб юритилади), жараёнлар, менежмент тизимлари, атамалар, шартли белгилар, тадқиқотлар (синаш), ўлчаш (шу жумладан намуналарни танлаш) ҳамда синаш усуллари, тамғалаш, мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари ва бошқа объектлар;

**халқаро (минтақавий) стандарт** — стандартлаштириш бўйича халқаро ёки минтақавий ташкилот томонидан қабул қилинган ва кенг жамоатчилик доираси учун очиқ бўлган стандарт;

**хорижий мамлакатнинг стандарти** — хорижий мамлакатнинг стандартлаштириш бўйича ваколатли органи (ташкilotи) томонидан қабул қилинган стандарт;

**ўзаро келишув** — кўпчилик манфаатдор тарафларнинг мавжуд масалалар бўйича эътирозлари мавжуд эмаслиги билан тавсифланадиган ҳамда барча тарафларнинг фикрларини инobatга олишга ва мос келмаётган нуқтаи назарларни яқинлаштиришга қаратиладиган жараён натижасида эришиладиган умумий келишув.

#### **5-модда. Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартлаштириш тизими**

Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартлаштириш тизимини қуйидагилар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (бундан буён матнда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги деб юритилади);

Стандартлаштириш бўйича миллий орган;  
давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;  
стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар.

**6-модда. Стандартлаштиришнинг асосий принциплари**

Стандартлаштиришнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:  
қонунийлик;

миллий стандартларни ишлаб чиқишда манфаатдор тарафларнинг ўзаро келишуви;

холислик;

стандартлардаги такрорланишларнинг ва зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган ҳамжиҳатлик;

маҳсулот келиб чиққан мамлакатдан ва (ёки) жойдан, шунингдек ишлаб чиқарувчининг мулк шаклидан қатъи назар, маҳсулотга нисбатан камситувчи муносабатга йўл қўймаслик;

очиқлик ва шаффофлик.

**7-модда. Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари**

Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ҳаётини, соғлиғини ва мол-мулкни муҳофаза қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

маҳсулотнинг сифати масалаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

маҳсулотнинг ўзаро алмашувчанлигини ва мослашувчанлигини таъминлаш;

аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун маҳсулотнинг сифатини ҳамда рақобатбардошлилигини илм-фан ва технологияларнинг ривожланиш даражасига қараб ошириш;

барча турдаги ресурсларни тежашга қўмаклашиш, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;

ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник дастурларни ҳамда лойиҳаларни рўёбга чиқариш чоғида амалий жиҳатдан қўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини ривожлантиришга ва илмий-техник тараққиётига қўмаклашиш;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг номенклатураси ва сифати тўғрисидаги ахборотнинг очиқлигини ҳамда ишончлилигини таъминлаш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хорижий бозорларга олиб чиқилишига қўмаклашиш;

ўлчаш бирлигини таъминлаш.

**8-модда. Стандартлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Стандартлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

стандартлаштириш тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш;

давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

стандартлаштириш тизими инфратузилмасини такомиллаштириш;  
илғор инновацион ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари-  
ни жорий этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
tizimini такомиллаштириш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва миллий стандартлаштириш ти-  
зимини халқаро тизим билан уйғунлаштириш.

### **9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг стандартлаштириш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

стандартлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини  
таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимия-  
ти органларининг стандартлаштириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлашти-  
ради;

миллий стандартлаштириш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўна-  
лишларини белгилайди, давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини ва амал-  
га оширилишини ташкил этади;

талабларига риоя этилиши мажбурий бўлган стандартларни белгилайди;  
стандартлаштириш соҳасидаги илмий-техникавий фаолиятни ташкил  
этади;

стандартлаштириш соҳасидаги хўжалик фаолияти субъектларини  
иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ва рағбатлантиришни амалга  
оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ  
бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **10-модда. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агент- лигининг стандартлаштириш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги:

стандартлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

стандартлаштириш режасининг бажарилиши мониторингини амалга оши-  
ради;

стандартлар талабларига, шунингдек стандартлаштириш тўғрисидаги  
қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга  
оширади;

замонавий бошқарув услубларига асосланган ягона интеграциялашган  
стандартлаштириш тизимининг яратилишини амалга оширади;

Стандартлаштириш бўйича миллий орган ҳузурида Апелляция комиссия-  
сини тузади ва унинг фаолиятини ташкил этади;

стандартлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги қонунчиликка  
мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг ваколатлари**

Стандартлаштириш бўйича миллий орган:

стандартлаштириш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни, концепцияларни, шунингдек стратегияларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

стандартлаштириш тизимини рақамлаштиришни замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва инновацион технологияларни жорий этиш йўли билан амалга оширади;

стандартлаштириш режасини амалга оширади;

стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳақида манфаатдор тарафларнинг мувожаатларига биноан, шунингдек ўз ташаббусига кўра қарорлар қабул қилади, ушбу қўмиталар тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва халқаро амалиёт асосида уларни ривожлантиришга қўмаклашади;

стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ифодалайди;

хорижий мамлакатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий органлари билан битимлар тузади ва улар билан ҳамкорликни амалга оширади;

миллий стандартларни тасдиқлайди ва рўйхатдан ўтказиши, уларни бекор қилиш ҳақида, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

халқаро (минтақавий) стандартларни, хорижий мамлакатларнинг стандартларини, шунингдек уларга киритилган ўзгартишларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга киритиш ва уларнинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

манфаатдор тарафларнинг янги стандартларни ишлаб чиқишга, амалдаги стандартларни қайта кўриб чиқишга доир ишларини мувофиқлаштиради;

миллий стандартларни халқаро (минтақавий) стандартларни ва хорижий мамлакатларнинг стандартларини ҳисобга олган ҳолда уйғунлаштириш юзасидан манфаатдор тарафларга тавсиялар беради;

стандартлаштириш бўйича тегишли техник қўмиталар мавжуд бўлмаган тақдирда стандартларни ишлаб чиқади;

Стандартларнинг ягона ахборот базасини шакллантиради ва юритади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ҳамда метрология соҳасида кадрларни қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади, шунингдек уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этади.

Стандартлаштириш бўйича миллий орган қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг стандартлаштириш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

янги стандартларни ишлаб чиқишга, амалдаги стандартларга ўзгартишлар киритишга, уларни қайта кўриб чиқишга ва бекор қилишга доир таклифларни тайёрлайди ҳамда уларни стандартлаштириш режасига киритиш учун Стандартлаштириш бўйича миллий органга тақдим этади;

стандартлаштириш режасида назарда тутилган вазифаларни бажаради;

стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқади ва уларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятида Стандартлаштириш бўйича миллий орган билан биргаликда иштирок этади;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил этиш, шунингдек ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва уларни Стандартлаштириш бўйича миллий органга киритади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **13-модда. Стандартлаштириш бўйича техник қўмита**

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита стандартларнинг қабул қилинишидан ҳамда қўлланилишидан манфаатдор бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ихтиёрий иштироки асосида, Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Стандартлаштириш соҳасидаги тегишли тармоқнинг манфаатдор субъектлари стандартлаштириш бўйича техник қўмитани ташкил этиш тўғрисидаги ташаббус билан чиқиши мумкин.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита таркибига манфаатдор тарафларнинг вакиллари киритилади.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита хузурида унинг фаолиятини таъминлаш учун котибият ташкил этилади.

Ташкил этилаётган стандартлаштириш бўйича техник қўмита тўғрисидаги ахборот барча манфаатдор тарафлар учун очикдир.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита:

миллий стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

фаолият соҳасига мувофиқ миллий стандартлар лойиҳаларининг муҳокамасини ташкил этади;

янги миллий стандартларни ишлаб чиқишга, амалдаги миллий стандартларни қайта кўриб чиқишга доир стандартлаштириш режасига киритиш учун таклифлар тайёрлайди;

стандартлаштириш режасига киритилган стандартларни ишлаб чиқишни амалга оширади;

ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаатлар юборади;

фаолият соҳасига мувофиқ стандартларнинг ахборот базасини шакллантиради ва юритади;

стандартлаштириш соҳасидаги илмий тадқиқотларда иштирок этади;



стандартлаштириш бўйича халқаро, минтақавий ташкилотларнинг стандартлаштириш бўйича техник қўмиталари ишида Стандартлаштириш бўйича миллий орган билан биргаликда иштирок этади ҳамда мазкур қўмиталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилади.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар уни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббус билан чиққан субъектларнинг, шунингдек стандартларнинг қабул қилинишидан ва қўлланилишидан манфаатдор бўлган бошқа ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг фаолияти унинг мажлиси баённомаси асосида Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг қарори билан тўхтатиб турилади.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг фаолияти қўйидаги ҳоллардан бирида Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг қарори билан тугатилади:

стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг ташкил этилиши мақсадларига эришилганда ва унинг кейинги фаолиятига эҳтиёж мавжуд бўлмаганда;

стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан ўн икки ой давомида фаолият олиб борилмаганда;

стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг салбий натижалари тасдиқланганда;

стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинганда.

#### **14-модда. Давлат инспекторлари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Стандартлар талабларига, шунингдек стандартлаштириш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати давлат бошқаруви органларининг вакиллари бўлган давлат инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Давлат инспектори қўйидаги ҳуқуқларга эга:

хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига белгиланган тартибда кириш;

давлат назоратини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва маълумотларни хўжалик фаолияти субъектидан олиш;

давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларини жалб этиш;

маҳсулот намуналарини ва нусхаларини уларнинг стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини назорат қилиш учун олишни стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга ошириш, бунда сарфланган намуналарнинг қиймати ҳамда синашни (таҳлилларни, ўлчашни) ўтказиш харажатлари текширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чиқимлари жумласига киритилади;

маҳсулотни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, реализация

қилиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), уни сақлаш, транспортда ташиш ва утилизация қилиш босқичларида стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

хўжалик фаолияти субъекти текширишдан бўйин товлаган тақдирда, маҳсулотни реализация қилишни тақиқлаш.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш ҳамда метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари қўйидаги мутлақ ҳуқуқларга эга:

стандартларнинг мажбурий талабларини бузганликда айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларига ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллаш;

стандартларнинг мажбурий талабларини бузганликда айбдор бўлган юридик шахсларга жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва мазкур юридик шахслар томонидан жарима бир ой муддатда ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, жаримани ундириш ҳақида судга мурожаат қилиш;

текширилган маҳсулот стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда, уни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки уни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тўхтатиб туриш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

стандартлар талабларига мувофиқ бўлмаган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган импорт маҳсулотни сотишни тақиқлаш.

Текширилган маҳсулот стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда, давлат инспекторларининг маҳсулотни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки уни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмаларини бажармаганлик учун хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахслари ва якка тартибдаги тадбиркорлар маъмурий жавобгарликка тортилади.

Давлат инспекторлари қонунчилик билан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, давлат ёки тижорат сирини ошкор этганлик учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### **15-модда. Стандартлаштиришга доир ишларни режалаштириш**

Стандартлаштиришга доир ишлар стандартлаштириш режасига асосан амалга оширилади.

Стандартлаштириш режаси стандартлаштириш соҳасининг мақсадлари ва уни ривожлантириш йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда, қисқа (бир йилгача), ўрта (бир йилдан беш йилгача) ва узоқ (беш йилдан ўн йилгача) муддатли истиқбол учун қабул қилиниши мумкин.

Стандартлаштириш ишларини режалаштириш Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига му-

вофиқ бўлиши, илмий тадқиқотлар натижаларини ва замонавий технологияларни инобатга олиши керак.

Стандартлаштириш режасининг амал қилиш даврида унга манфаатдор тарафларнинг таклифларига кўра ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилади.

Стандартлаштириш режаси қуйидагилар асосида шакллантирилади:

стандартлаштириш бўйича манфаатдор тарафларнинг, техник қўмиталарнинг таклифлари ва халқаро тажриба;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг иш режалари;

стандартлаштириш соҳасидаги мониторинг натижалари;

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳолатини таҳлил қилиш.

Стандартлаштириш режаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

стандартларнинг халқаро таснифлагичи кодини;

халқаро (минтақавий) ёки миллий стандарт лойиҳасининг номини;

стандартларни ишлаб чиқиш (қайта кўриб чиқиш) асосини;

стандартлаштиришга доир ишларни амалга ошириш муддатларини;

молиялаштириш манбаини;

таклиф-буюртмани тақдим этган буюртмачи ташкилотни;

иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот таснифининг кодини.

#### **16-модда. Стандартларнинг ягона ахборот базаси**

Стандартларнинг ягона ахборот базаси Стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан шакллантирилади ва юритилади.

Стандартларнинг ягона ахборот базаси миллий стандартларни, халқаро (минтақавий) стандартларни, хорижий мамлакатларнинг стандартларини ўз ичига олади.

#### **17-модда. Стандартларнинг тоифалари**

Стандартларнинг тоифалари жумласига қуйидагилар киради:

миллий стандартлар;

халқаро (минтақавий) стандартлар;

хорижий мамлакатларнинг стандартлари.

#### **18-модда. Миллий стандартлар**

Миллий стандартлар ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун стандартлаштириш режаси асосида ишлаб чиқилади ва O'zMSt (O'zbekiston Milliy Standarti) белгисига эга бўлади.

Миллий стандартларнинг мазмуни ва белгиси бўйича расмийлаштирилишини, тузилишини белгилаш қабул қилинган миллий стандартлар талабларига кўра амалга оширилади.

Миллий стандартлар қуйидагилар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилади:

илмий тадқиқотларнинг (синашнинг) ва ўлчашнинг натижалари;

илм-фан ва техника ютуқлари;

маҳсулотнинг янги турларини, жараёнларни ва хизматларни қўллаш орқали орттирилган амалий тажриба;

халқаро (минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари ҳамда стандартлаштириш объектига доир талабларни белгилайдиган бошқа ҳужжатлар.

Миллий стандартларни ишлаб чиқиш ушбу Қонуннинг 11, 12 ва 13-моддаларида назарда тутилган манфаатдор тарафлар томонидан амалга оширилади.

Миллий стандартларни ишлаб чиқишнинг бошланиши ва якунланиши тўғрисидаги ахборот, шунингдек миллий стандартлар лойиҳалари Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг расмий веб-сайтига ва электрон порталига жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида миллий стандарт лойиҳасини келишиш мажбурийлиги назарда тутилган ҳолларда, ушбу лойиҳа тасдиқлангунига қадар манфаатдор тарафлар билан келишилиши лозим.

Жамоатчилик муҳокамаси даврида миллий стандартлар лойиҳалари стандартлаштириш бўйича соҳага дахлдор техник қўмитада, у мавжуд бўлмаган тақдирда эса Стандартлаштириш бўйича миллий органда техник муҳокамадан ўтади.

Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг расмий веб-сайтига ва электрон порталига жойлаштирилган миллий стандартлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси олтмиш календарь кун ичида амалга оширилади.

Ишлаб чиқувчи миллий стандарт тасдиқланишидан олдин стандарт лойиҳасини ўн календарь кундан ошмаган муддатда экспертизага юборади.

Миллий стандарт давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин, бироқ ушбу стандарт давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган кундан эътиборан кўпи билан олтмиш кундан кейин амалга киритилади.

Миллий стандартлар мамлакатимиз илм-фани ва хорижий илм-фан ютуқларига асосланиши ҳамда ушбу Қонуннинг, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги халқаро шартномаларнинг талабларига зид бўлмаслиги керак.

Миллий стандартлар халқаро савдо учун ортиқча тўсиқларни юзага келтирмаслиги керак.

Миллий стандартларда маҳсулотга ва унинг таснифига, атамаларга, шартли белгиларга, синаш (ўлчаш), намуналар танлаш, тамғалаш усулларига, мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларига, бошқариш тизимларига доир талаблар белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини таъминлаш учун асосланган ҳолларда, миллий стандартларда анъанавий технологияларнинг имкониятларидан ўзиб кетувчи истиқболдаги дастлабки талаблар белгиланади.

Миллий стандартни қабул қилишнинг мажбурий шarti ўзаро келишувга эришишдан иборатдир.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмилада миллий стандарт лойиҳаси кўриб чиқиладиганда, агар стандарт лойиҳасида келтирилган талаблар, илмий ишланмалар, тадқиқотларни давом эттириш қўмида аъзолари томонидан мақсадга мувофиқ деб топилса, мазкур стандарт лойиҳаси муайян муддатга дастлабки стандарт тарзида қабул қилинади ва унга DS (Dastlabki Standart) белгиси берилади.

Маҳсулот сифатини оширишга қаратилган, ишлаб чиқаришдаги техник регламентларга ва стандартларга зид бўлмаган, мамлакат миқёсида қўллашга тавсия этиладиган лойиҳалар техник шартларда ноу-хау сифатида фойдаланилган ютуқлар асосида манфаатдор тарафларнинг ташаббусига кўра, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарга кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун юборилиши мумкин.

Давлат сирини ва қонун билан қўриқланидиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган стандартлар қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқиладиган ҳамда қабул қилинади.

### **19-модда. Халқаро (минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари**

Ўзбекистон Республикасида халқаро (минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро (минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг уларни амалга киритиш тўғрисидаги қарори асосида миллий стандартлар билан тенг равишда қўлланилади.

### **20-модда. Миллий стандартларга ўзгартишлар киритиш ва уларни бекор қилиш**

Миллий стандартларга ўзгартишлар киритиш, миллий стандартларни алмаштириш, алоҳида талабларга қўшимчалар киритиш ёки уларни чиқариб ташлаш, миллий стандартларнинг амал қилиш муддатларини узайтириш ёки тиклаш, уларга янги талаблар киритиш ва уларни халқаро (минтақавий) стандартлар билан уйғунлаштириш амалдаги қонунчиликнинг бузилишига олиб келмайдиган ҳолларда амалга оширилади.

Миллий стандартларга ўзгартишлар киритиш мазкур стандартни ишлаб чиқувчи ёки Стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан амалга оширилади.

Миллий стандартларни бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

мазкур стандартларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид эканлиги;

мазкур стандартлар ўрнига янги миллий, халқаро (минтақавий) стандарт амалга киритилганлиги;

мазкур стандартни қўллашнинг долзарблиги йўқолганлиги.

Миллий стандартни бекор қилиш ташаббуси билан чиққан шахслар уни бекор қилиш учун Стандартлаштириш бўйича миллий органга стандартни бе-

кор қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини асослантирган ҳолда ўз таклифларини юборади.

Миллий стандартларга ўзгартишлар киритиш ва уларни бекор қилиш тўғрисидаги ахборот Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг расмий веб-сайтига ҳамда электрон порталига жойлаштирилади, шунингдек жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш олтмиш календарь куни ичида амалга оширилади.

**21-модда. Стандартлаштириш масалалари бўйича узил-кесил қарор қабул қилиш. Апелляция комиссиясининг фаолияти**

Стандартларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш, амалга киритиш, уларга ўзгартишлар киритиш, уларни қайта кўриб чиқиш, тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш чоғида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳолларда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги стандартлаштириш масалалари бўйича узил-кесил қарор қабул қилади.

Стандартлаштириш бўйича миллий орган ҳузурида Апелляция комиссияси тузилади. Апелляция комиссияси тўғрисидаги низом ва Апелляция комиссиясининг таркиби Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланади.

Стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлган манфаатдор тарафларнинг ёки стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг мурожаатларини (апелляцияларини) кўриб чиқиш Апелляция комиссиясининг ваколатларига киради.

Стандартлаштириш бўйича миллий орган ходимлари Апелляция комиссияси таркибига кириши мумкин эмас. Агар Апелляция комиссиясининг аъзоси апелляциянинг тарафлари бўлган шахсларга хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлган бўлса ёхуд тобе бўлса ёки бундай аъзонинг холис-лигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда ушбу аъзонинг апелляцияни кўриб чиқишда иштирок этиши мумкин эмас.

Манфаатдор тараф ёки стандартлаштириш бўйича техник қўмита Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг қароридан норози бўлган тақдирда, шунингдек, агар стандартлаштириш соҳасидаги тартиб-таомиллар Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг қарори ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли бузилган деб ҳисобласа, Апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Апелляцияни кўриб чиқиш муддати ўттиз кундан ошмаслиги керак.

Миллий стандартнинг ёки унинг лойиҳасининг мазмуни апелляция предмети бўлиши мумкин эмас. Агар Апелляция комиссияси Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг қарори ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) стандартлаштириш соҳасидаги тартиб-таомилларни бузади деб топса, ушбу комиссия тартиб-таомилнинг бузилишлари Стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан бартараф этилишини назарда тутувчи қарор қабул қилади.

Апелляция комиссиясининг қарори мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади ва низонинг тарафларига тақдим этилади.

## **22-модда. Стандартларни қўллаш**

Стандартлар ихтиёрий равишда қўлланилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги стандарт талабларига мажбурий равишда риоя этилишига оид ҳаволалар кўрсатилган ҳоллар мустасно (стандартнинг мажбурий талаби).

Стандартлар маҳсулотни ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, сақлаш, синаш, текшириш ва ўлчаш, маҳсулотнинг намуналарини олиш босқичларида, атамаларга, рамзларга, ўровларга, тамғалашга ёки этикеткаларга ҳамда уларни туширишга, маҳсулотнинг ишлашига (уни қўллашга, ундан фойдаланишга), уни ташишга, реализация ва утилизация қилишга (қайта ишлашга) нисбатан, бошқа стандартлаштириш объектларига нисбатан ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида қўлланилиши мумкин.

Халқаро (минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзолигида;

стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари мавжуд бўлганда;

Стандартлаштириш бўйича миллий орган ва халқаро, минтақавий, чет эл ташкилоти ўртасида стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим мавжуд бўлганда;

халқаро (минтақавий) стандартларни ва хорижий мамлакатларнинг стандартларини қўллаш чоғида стандартлаштириш органлари билан тузилган шартномаларга риоя этилганда.

Стандартлардан Ўзбекистон Республикасининг техник регламентларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида фойдаланилиши мумкин. Техник регламентларнинг талабларини бажариш ва маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлигини танловга оид қисм бўйича ихтиёрий равишда баҳолаш учун ўзаро алоқадор бўлган стандартлар қўлланилади.

Ишлаб чиқарувчи ва (ёки) ижрочи учун у маҳсулотнинг мазкур стандартга мувофиқлигини эълон қилганда стандарт талаблари бажарилиши шарт, шу жумладан маҳсулот белгиси тамғалашда, фойдаланишга оид ҳужжатларда ёки бошқа ҳужжатларда, шартномаларда, рекламада, ахборот ресурсларида ва ахборот тақдим этишнинг бошқа шаклларида қўлланилган тақдирда ушбу талаблар бажарилиши шарт.

Стандартларда маҳсулотга оид такрорланувчи талабларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Қуйидаги стандартларни қабул қилишга йўл қўйилмайди:

умуммажбурий хусусиятга эга бўлган нормаларни ўз ичига олган, фуқароларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган стандартларни;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ва техник регламентларга зид бўлган стандартларни;

маҳсулотнинг эркин муомалада бўлишига тўсиқлар яратадиган, бозор рақобатини бартараф этишга ва чеклашга қаратилган стандартларни.

Стандартлаштиришга доир ҳужжатларни жисмоний ва юридик шахслар томонидан қўллаш муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Экспортга юборилаётган маҳсулотга оид талаблар маҳсулотни етказиб беришга доир шартнома қоидаларига мувофиқ белгиланади.

### **23-модда. Стандартларни эълон қилиш, тарқатиш ва нашр этиш**

Миллий стандартларни эълон қилиш ва шартнома асосида тарқатиш Стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан амалга оширилади.

Миллий стандартлар давлат тилида эълон қилиниши керак.

Стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг, шунингдек хорижий мамлакатларнинг стандартлари ва бошқа нашрлари кейинчалик давлат тилига расмий таржима қилинган ҳолда, ушбу ташкилотларнинг расмий тилларидан бирида қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг стандартларини нашр этиш ҳамда тарқатиш стандартлаштириш бўйича халқаро ёки минтақавий ташкилот белгиланган тартибда ва шартлар асосида Стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларнинг стандартларини нашр этиш ва тарқатиш мазкур давлатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий органлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ Стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан амалга оширилади.

Чет эл ҳуқуқ эгалари билан тузилган лицензияга оид шартномаларда, шунингдек халқаро шартномаларда ва бошқа халқаро ҳуқуқ нормаларида халқаро (минтақавий) стандартлардан, хорижий мамлакатларнинг стандартларидан пулли асосда эркин фойдаланиш назарда тутилган ва (ёки) ушбу стандартлардан эркин фойдаланишга йўл қўйилмаслиги назарда тутилган ҳолларда, Стандартлаштириш бўйича миллий орган тегишли ҳужжатларни тақдим этганлик учун тўлов миқдори ҳамда уларни тарқатиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.

### **24-модда. Стандартлаштириш соҳасидаги ахборот таъминоти**

Стандартлаштириш соҳасидаги ахборот таъминоти қуйидагилар воситасида амалга оширилади:

стандартлар тўғрисидаги ахборотни веб-сайтларга жойлаштириш;

стандартларни, расмий нашрларни ва уларнинг кўчирма нусхаларини тарқатиш.

Стандартлар тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш уларни Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг расмий веб-сайтларида ва стандарт-



ларнинг йиллик ахборот кўрсаткичларида расмий эълон қилиш воситасида амалга оширилади.

Стандартлар тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар киради:

рақами ва номи;

қўлланилиш соҳаси;

тасдиқланганлиги, ўзгартишлар киритилганлиги ҳамда бекор қилинганлиги тўғрисидаги қарорнинг санаси ва рақами;

ишлаб чиқувчи ҳақидаги маълумотлар.

### **25-модда. Стандартлаштириш соҳасидаги ишларни молиялаштириш**

Стандартлаштириш соҳасидаги ишларни молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

манфаатдор ташкилотларнинг маблағлари;

ихтиёрий бадаллар;

қонунчиликка зид бўлмаган бошқа манбалар.

Стандартлаштиришга доир қуйидаги ишлар давлат томонидан молиялаштирилиши лозим:

халқаро (минтақавий) стандартларни ишлаб чиқиш ёки уларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси бўйича стандартларни ишлаб чиқиш;

стандартлаштириш режасида назарда тутилган миллий стандартларни ишлаб чиқиш;

стандартлаштириш бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ишларини ва бошқа ишларни амалга ошириш;

Стандартларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш ва юритиш;

стандартлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа фаолият.

### **26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Стандартлаштириш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **27-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Белгиланган тартибда оғоҳлантириш олганидан кейин стандартлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликни давом эттирганлик ёки бартараф этмаганлик учун жисмоний шахслар қонунчиликка мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади. Белгиланган тартибда оғоҳлантириш олганидан кейин стандартлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликни давом эттирганлик ёки бартараф этмаганлик учун юридик шахсларга нисбатан ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўлланилади.

Стандартнинг стандартлаштириш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган мажбурий талабларига маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи томонидан риюя этилмаган тақдирда, уларга нисбатан:

ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилганда — стандартларнинг мажбурий талабларига мос бўлмаган, реализация қилинган маҳсулот қийматининг эллик фоизгача миқдорда жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўлланилади;

худди шундай ҳуқуқбузарлик ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган жарима тарзидаги молиявий санкция қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида такроран содир этилганда — стандартларнинг мажбурий талабларига мос бўлмаган, реализация қилинган маҳсулот қийматининг юз фоизгача миқдорда жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўлланилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жарима тарзидаги молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, бундан маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар мустасно.

Ундирилган жарима суммасининг эллик фоизи Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

**28-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «**Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида**»ги 513–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–394-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 9, 340-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда) **43-моддасидаги** «халқаро ва (ёки) давлат стандартлари, нормалари ҳамда талабларига» деган сўзлар «миллий стандартлар, нормалар ҳамда талабларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12,

604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1065-модда) **40-моддасидаги** «давлат стандартларига» деган сўзлар «миллий стандартларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**405-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат стандартларида» деган сўзлар «миллий стандартларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**407-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Стандартларда товарларнинг сифатини назорат қилишга нисбатан талаблар белгиланган ҳолларда, сифат улардаги кўрсатмаларга мувофиқ текширилиши керак».

4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»**ги 265–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда;

2022 йил, № 5, 464-модда) **5-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат» деган сўз «миллий» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган **«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»**ги 483–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 8, 470-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 4, 290-модда; 2022 йил, № 5, 465-модда) **5-моддасининг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаштириш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, транспортда ташиш ҳамда реализация қилиш шарт-шароитларига доир талабларни ўз ичига олган техник регламентларни, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ҳамда гигиена нормативларини, миллий стандартларни, техник шарт-шароитларни (бундан буён матнда нормалар ва қоидалар деб юритилади) белгилаш йўли билан амалга оширилади».

6. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Радиочастота спектри тўғрисида»**ги 725–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 16-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **6-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Телекоммуникациялар тўғрисида»**ги 822–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда; 2011 йил, № 12/2, 366-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 6, 570-модда) **2-моддасининг ўн еттинчи хатбошисидаги** «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»**ги 120–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари-

нинг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 4, 98-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 8, 470-модда, № 9, 591-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **11-моддасидаги** «давлат стандартларини» деган сўзлар «миллий стандартларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 майда қабул қилинган **«Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–97-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 5, 219-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**16-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат стандартлари, қоидалари ҳамда нормалари» деган сўзлар «миллий стандартлар, қоидалар ҳамда нормалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**17-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат стандартлари, қоидалари ҳамда нормалари» деган сўзлар «миллий стандартлар, қоидалар ҳамда нормалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган **«Электр энергетикаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–225-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 339-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**10-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат стандартларига» деган сўзлар «миллий стандартларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**15-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат стандартларида» деган сўзлар «миллий стандартларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**16-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат стандартларида» деган сўзлар «миллий стандартларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**18-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «давлат стандартларида» деган сўзлар «миллий стандартларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**25-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат стандартларида» деган сўзлар «миллий стандартларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**26-модда биринчи қисмининг:**

**учинчи хатбошисидаги** «давлат стандартларига» деган сўзлар «миллий стандартларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи хатбошисидаги** «давлат стандартларига» деган сўзлар «миллий стандартларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августда қабул қилинган **«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–393-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 314-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 4, 290-модда) **26-моддаси-**

нинг биринчи қисмидаги «давлат стандартларига» деган сўзлар «миллий стандартларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 июлда қабул қилинган «**Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–626-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 446-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 10, 968-модда) **3-моддасининг ўн бешинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**Фазовий маълумотларнинг миллий инфратузилмаси** — ташкилий тузилма, илмий-техника сиёсати, техник ва дастурий воситалар, базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар, метамаълумотлар ҳамда метамаълумотлар базаларини, фазовий маълумотлар сервисларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилиши мумкин бўлган фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш, бериш, интеграциялаш ҳамда улардан фойдаланиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ўз ичига оладиган тизим».

13. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралда қабул қилинган ЎРҚ–676-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 145-модда; 2022 йил, № 6, 570-модда) **20-моддаси иккинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «давлат стандартларига» деган сўзлар «миллий стандартларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган «**Дехқон хўжалиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–680-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 286-модда) **12-моддасининг учинчи қисмидаги** «давлат стандартларида» деган сўзлар «миллий стандартларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 июлда қабул қилинган «**Фазовий маълумотлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–702-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 662-модда) **14-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонунда Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси деганда ташкилий тузилмани, илмий-техника сиёсатини, техник ва дастурий воситаларни, базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларни, метамаълумотларни ҳамда метамаълумотлар базаларини, фазовий маълумотлар сервисларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилиши мумкин бўлган фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, уларга ишлов бериш ва интеграциялаш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ўз ичига оладиган тизим тушунилади».

16. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 ноябрда қабул қилин-

ган «**Ноширлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–731-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 11, 1063-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**15-модда тўртинчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат стандартларига» деган сўзлар «миллий стандартларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**24-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат стандартларига» деган сўзлар «миллий стандартларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «**Стандартлаштириш тўғрисида**»ги 1002–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 46-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида**»ги 1003–ХII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 47-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 82–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда) **X бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 482–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 67-модда) **VII бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «**Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **5-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 3 апрелда қабул қилинган «**Стандартлаштириш тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–202-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 129-модда);

7) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–352-сонли Қонуни-

нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **8-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **5-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–436-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда) **9-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **12-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–597-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 891-модда) **4-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **36-моддаси**.

**29-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**30-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.



**31-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач кучга киради.

Ушбу Қонун кучга киргунига қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги стандартлари ва O'zDSt аббревиатураси белгиси билан қабул қилинган тегишли хужжатлар миллий стандартлар деб ҳисобланади ҳамда улар ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан беш йил ичида қайта кўриб чиқилиши керак.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 3 ноябрь,  
ЎРҚ–800-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

#### **412 Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, таълим жараёнини халқаро стандартларга мослаштириш ва бошқарув тизимини рақамлаштириш, педагогик ва илмий салоҳиятни янада ошириш ҳамда илмий-тадқиқот ишлари сифатини тубдан яхшилаш, илғор хорижий спорт-таълим технологияларининг трансферини амалга ошириш орқали юқори натижаларга эришиш мақсадида:

1. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети (кейинги ўринларда — Университет) ҳамда унинг филиалларида:

таълим дастурлари халқаро рейтингда юқори бўлган хорижий олий таълим муассасасининг дастурига кўра шакллантирилсин, жаҳондаги етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш ҳамда таълим олишига кенг шароит яратиш учун бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари аккредитациядан ўтказилсин;

талабаларда спорт маҳоратини доимий равишда юксалтириш ҳамда уларнинг персонал траекториялар бўйича вариатив (ўзгарувчан) ўқув режалари асосида таълим олишлари учун ўқув жараёни кредит-модуль тизими асосида ташкил этилиб, мазкур тизим 2024/2025 ўқув йилига қадар тўлиқ жорий қилинсин;

2024/2025 ўқув йилига қадар барча бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига оид малака талаблари қайта кўриб чиқилсин, шу жумладан битирувчи бакалавр ва магистрантларнинг билими, маҳорати ва педагогик кўникмаларини баҳоловчи компетенцияларни сертифицикатлаш тизими жорий қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Университет ва унинг филиалларида:

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари халқаро стандартлардан келиб чиқиб мақбуллаштирилади ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари 1-иловага\*\* мувофиқ жорий қилинади;

«Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)» бакалаврият таълим йўналишига камида иккинчи спорт разрядига эга бўлган, «Спорт турининг алоҳида

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

йўналишлари» магистратура мутахассислигига эса камида Ўзбекистон спорт усталигига ёки Ўзбекистон гроссмейстерлигига номзод спорт разрядига эга бўлган абитуриентлар қабул қилинади;

ўқув машғулоти ва маҳорат дарсларини ўтказиш ҳамда ўқув жараёнида иштирок этиш учун спорт федерация (ассоциация)ларининг етук малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислари жалб қилинади;

«Менежмент (жисмоний тарбия ва спорт менежменти)», «Менежмент (спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш)» ва «Маркетинг (спорт маркетинги)» бакалавриат таълим йўналишлари битирувчи талабаларининг амалиёти яшаш ҳудудидаги маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги «Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–201-сон қароридан белгиланган тегишли спорт турлари бўйича оммавий спорт мусобақаларини ташкил қилиш орқали амалга оширилади;

иктидорли (қоида тариқасида, аъло баҳоларга битирган) битирувчиларнинг битирув олди амалиёти уларни миллий терма жамоаларнинг хорижда ўтказиладиган ўқув-йиғин машғулоти ҳамда халқаро мусобақалар жараёнига жалб этиш орқали ташкил этилади;

талабаларнинг ўзлаштирган билими, малака ва кўникмаларини амалиётда қўллаш даражасидан келиб чиқиб, иктидорли битирувчиларга спорт бўйича ҳакам ҳамда иккинчи тоифали тренер малака тоифасини белгиловчи гувоҳнома берилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Университет ва унинг филиалларида ҳамда бошқа олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишларида қуйидагилар касбий (ижодий) кириш имтиҳонларини топширишдан овоз қилинади ва уларга максимал балл берилади:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи фахрий унвонига эга бўлган спортчилар;

Халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси ёки халқаро гроссмейстер спорт унвонига эга бўлган спортчилар;

Ўзбекистон спорт устаси ёки Ўзбекистон гроссмейстери спорт унвонига эга бўлган спортчилар;

Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киририлган спорт турлари бўйича республика чемпионатларида охириги бир йилда голиб (1-ўрин) бўлган спортчилар. Бунда, мазкур спортчилар вариатив (ўзгарувчан) ўқув режалари асосида ўқитилади, шунингдек, улар маҳаллаларда спорт тўғарақларини очиш ва бошқариш, спорт тадбирларини ташкил қилиш, ёшлар ўртасида спортнинг афзалликларини тарғиб қилиш ишларига жалб қилинади.

4. Жисмоний тарбия ва спорт йўналишларида 2023 йил 1 январдан бошлаб Паҳлавон Маҳмуд номли давлат стипендияси жорий қилинсин.

Белгилансинки, Паҳлавон Маҳмуд номли давлат стипендияси жисмоний тарбия ва спорт йўналишлари учун кадрлар тайёрловчи ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги ПФ–555-сон Фармонида белгиланган талаблар асосида тайинланади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда Бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ҳамда уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Университет Кузатув кенгаши Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда илмий фаолиятни ривожлантириш бўйича кузатув кенгаши (кейинги ўринларда — Кузатув кенгаши) этиб қайта номлансин, шунингдек, унинг янгиланган таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Университет филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институтининг (кейинги ўринларда — Институт) фаолияти Кузатув кенгаши томонидан мувофиқлаштирилади.

Кузатув кенгаши зиммасига Университет ва унинг филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ва Институтнинг бошқарув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий фаолиятини самарали ташкил қилиш, таълим сифатини яхшилаш, таълим жараёнини такомиллаштириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш вазифалари юклатилсин.

6. Кузатув кенгаши (А. Икрамов) юклатилган вазифалар билан бир қаторда қуйидаги манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин:

Университетнинг жозибадорлигини ошириш учун жаҳондаги етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш, шаффоф қабул жараёнини ташкиллаштириш, таҳсил олаётган хорижий талабалар сонини 2 бараварга кўпайтириш;

Университетда олимпия спорт фаолияти бўйича йўналишлар сонини 20 фоизга, ноолимпия спорт фаолияти бўйича йўналишлар сонини 60 фоизга ошириш;

Университет профессор-ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини доимий ривожлантириб бориш мақсадида ҳар йили камида 10 нафар профессор-ўқитувчиларнинг хорижий давлатларда малака ошириши ва стажировка ўташи тизимини йўлга қўйиш ва таълим жараёнига хорижий давлатларнинг етакчи профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш;

2025 йилга қадар Университетнинг халқаро тан олинган ташкилотларнинг (QS ёки THE) соҳавий, минтақавий ёхуд тематик рейтингларига киритилишига эришиш ҳамда 2030 йилга қадар Университетни халқаро тан олинган ташкилотларнинг (QS ёки THE) олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1 000 талик рўйхатига киритиш;

Университетда фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билан интеграциясини кучайтириш орқали илмий салоҳиятни 1,7 бараварга кўпайтириб, 45 фоизгача етказиш;

Университет профессор-ўқитувчиларининг илмий-услубий фаолияти натижадорлигини дарсликлар сони бўйича 1,8 бараварга, ўқув кўлланмалар сони бўйича 1,8 бараварга, Scopus ва Web of Science маълумотлар базасига киритилган мақолалар сони бўйича 4,4 бараварга ошириш;

Университет ва Институтда замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини яхшилаш (функционал, биокимёвий, психодиагностик, биомеханик, генетик ва бошқа лабораториялар), уларни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, ягона кутубхона фондини шакллантириш орқали фондни 60 фоизга янгилаш;

Университет спорт объектларида терма жамоаларнинг ўқув-машғулот йиғинлари ва спорт мусобақаларини ижара шартлари ва пуллик асосда ўтказиш орқали пуллик хизматларни ривожлантириш, бюджетдан ташқари маблағлар миқдорини кўпайтириб бориш.

#### 7. Қуйидагилар:

2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 3-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини комплекс ривожлантириш дастури 4-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Кузатув кенгаши (А. Икрамов) ҳар бир мақсадли кўрсаткичга (индикаторга) эришиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин, ўз йиғилишларида мазкур масалани муҳокама қилиб борсин.

8. Университет тузилмасида 2023 йил 1 январдан бошлаб Компетенцияларни баҳолаш маркази ташкил қилинсин.

#### Белгилансинки:

Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимидаги спорт-таълим ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, тренерлари, методистлари, бошқа ходимлари ҳамда битирувчиларининг билим ва амалий кўникмалари даражасини баҳолаш, уларнинг педагогик ва илмий салоҳиятини янада ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш Компетенцияларни баҳолаш марказининг асосий вазифалари этиб белгиланади;

Компетенцияларни баҳолаш маркази бевосита Кузатув кенгаши томонидан бошқарилади ҳамда унинг фаолияти Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Кузатув кенгаши Компетенцияларни баҳолаш маркази фаолиятини самарали ташкил қилиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўради, шу жумладан хорижий технологиялар трансфери орқали илғор тажрибани жорий қилади.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Икрамов) Самарқанд шаҳрида

\* 3 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети» федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиали фаолияти тугатилаётганлиги муносабати билан мазкур университетнинг етакчи профессор-ўқитувчиларини Университет ва унинг филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ҳамда Институтга жалб қилиш чора-тадбирларини амалга оширсин.

10. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Институт зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, шу жумладан спорт биомеханикаси, физиологияси, фармакологияси ва генетикаси бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш;

аҳолининг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини илмий асосда ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

спорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоалари (ёшлар, ўсмирлар ва катталар) аъзоларининг ҳамда спорт-таълим муассасалари спортчи ўқувчи ва талабаларининг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлиги, функционал ҳолати, техник-тактик ва психологик тайёргарлигини илмий жиҳатдан ўрганиш, мониторинг қилиш ва истиқболни белгилаш;

илмий-инновацион фаолият натижаларининг трансфери ва уларни тижоратлаштириш, стартап лойиҳаларни жорий этиш орқали ёшлар, олимлар ва профессор-ўқитувчиларни жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг илмий-техник муаммоларини ҳал этишга жалб қилиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги халқаро ва маҳаллий ташкилотларнинг олимлари, мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари, семинар-тренинглари, давра суҳбатлари, учрашувлар, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ва анжуманлар, танловлар ўтказиш.

11. Қуйидагилар:

2022 — 2025 йилларда Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 6-иловага\* мувофиқ;

Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти фаолиятини янада такомиллаштириш дастури 7-иловага\* мувофиқ;

Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури 8-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Кузатув кенгаши (А. Икрамов) ҳар бир мақсадли кўрсаткичга (индикаторга) эришиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин, ўз йиғилишларида мазкур масалани муҳокама қилиб борсин.

12. Белгилансинки:

Спортни ривожлантириш вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасалар Институтнинг ишлари ва хизматлари (товарлари) бўйича асосий буюртмачи ҳисобланади;

---

\* 6 — 8-илвалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

спортни ривожлантириш вазири, зарур ҳолларда, Институтнинг ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий штат бирлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади;

Институт республикадаги барча жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ташкилотлар ва муассасалар учун базавий илмий-тадқиқот ташкилоти ҳисобланади, Кузатув кенгаши (А. Икрамов) Институтнинг илмий ютуқлари ва инновацион ишланмалари жойларда амалиётга жадал татбиқ этилишига кўмаклашади;

Институт директори спортни ривожлантириш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

13. Спортни ривожлантириш вазирига:

Институт ходимларининг лавозим маошларига (тариф ставкаларига) асосий эгаллаб турган лавозими бўйича, қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган бошқа қўшимчалар ва устамалардан қатъи назар, Спортни ривожлантириш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан устамалар белгилаш;

Институтни замонавий илмий-тадқиқот лаборатория қурилмалари, асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун халқаро молия институтлари ҳамда ташкилотлари грантлари, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш;

Институт тадқиқотчилари ва мутахассисларининг хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташи қиймати ҳамда шу билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

14. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Институтда «Спорт турининг алоҳида йўналишлари» магистратура мутахассислиги бўйича таълим фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Бунда, Институтга талабаларни «Спорт турининг алоҳида йўналишлари» магистратура мутахассислигига қабул қилиш квоталари ҳар йили Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги «Спорт турининг алоҳида йўналишлари» магистратура мутахассислиги бўйича кадрларни давлат гранти ва тўлов-контракт асосида тайёрлашни йўлга қўйсин.

15. 2023 йил 1 январдан бошлаб Институтда «Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси» ихтисослиги бўйича педагогика фанлари доктори (DSc) илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш ташкил қилинсин.

16. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов):

Институтда жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг долзарб йўналишларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси белгиланган тартибда шакллантирилишини;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида танлов ва илмий экспертиза натижаларига кўра Институтга грантлар ажратилишини;

2023 йил якунига қадар Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Институтнинг илмий ва инновацион лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, лаборатория жиҳозларини харид қилиш учун маблағлар ажратилишини таъминласин.

17. Университет ва унинг филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ҳамда Институт фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўқув-илмий ҳамжамият ташкил қилинсин.

Белгилансинки, Ўқув-илмий ҳамжамиятда Университет ва унинг филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ҳамда Институт профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари, спорт-таълим муассасалари, спорт федерация (ассоциация)лари ва илмий-тадқиқот институтларида самарали фаолият юритаётган олимлар ва экспертлар томонидан яратилаётган ишланмалар ва методикалар тажрибадан ўтказилади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Ўқув-илмий ҳамжамият фаолиятини самарали ташкил қилсин, шу жумладан:

спорт-таълим муассасалари, спорт федерация (ассоциация)лари ва илмий-тадқиқот институтларини Ўқув-илмий ҳамжамиятга бириктирсин;

яратилаётган ишланмалар ва методикаларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида спорт-таълим муассасалари, спорт федерация (ассоциация)лари ва илмий-тадқиқот институтлари таркибидан илмий-амалий гуруҳ шакллантирсин;

илмий-амалий гуруҳни мазкур қарор билан тасдиқланаётган янги ишланма ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини рўёбга чиқаришга жалб қилсин.

18. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институтининг ўқитувчилари ва илмий ходимларини хорижий олий таълим муассасаларига фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини ҳимоя қилиш учун юбориш жадвали 9-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

хорижий олий таълим муассасаларига фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини ҳимоя қилиш учун педагогик-илмий фаолият билан шуғулланаётган, магистрлик даражасига эга бўлган иқтидорли ва самарали фаолият кўрсатаётган ходимлар очиқ танлов асосида юборилади;

хорижий олий таълим муассасаларига ўқитувчи ва ходимларни фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини ҳимоя қилиш учун юбориш билан боғлиқ харажатлар «Эл-юрт умиди» жамғармасига хорижда докторантурада таълим олиш дастурларини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Ташқи ишлар вазирлиги (В. Норов) Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Икромов) билан биргаликда:

уч ой муддатда мазкур қарорга 9-иловада кўрсатилган хорижий олий таълим муассасалари билан музокаралар ўтказсин ва бошқа ташкилий тадбирларни келишсин;

\* 9-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



номзодлар хорижий мамлакатларга виза олишида, консуллик ҳисобига қўйилишида, нотариал ва бошқа хизматлар кўрсатилишида, борган давлатида уларнинг ўқишини мониторинг қилишда амалий ёрдам кўрсатсин.

19. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) 2023 йил 1 январдан бошлаб илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ ўтказиладиган танловларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид, хусусан оммавий спорт, хотин-қизлар спорти ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш муаммоларига йўналтирилган камида 10 та мақсадли фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларга грант маблағлари ажратсин. Лойиҳа ижрочилари грант лойиҳалари тадқиқотларидан келиб чиқиб ажратиладиган маблағлар ҳисобидан илмий лаборатория базасини ривожлантириш, илғор технологик жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда соҳага оид илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш чораларини кўрсин.

20. Тошкент шаҳар, Яшнобод туманида 2025 йилда Ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ва V Параосиё ўйинларини ташкил этиш учун қурилаётган Олимпия шаҳарчасига ушбу ўйинлар ўтказилгандан сўнг Спортни ривожлантириш вазирлиги, тегишли республика спорт федерация (ассоциация)лари ҳамда 2025 йилда ўз фаолиятини бошлайдиган Ўзбекистон давлат спорт академияси жойлаштирилсин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Икромов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 июлга қадар Олимпия ва Паралимпия ўйинларига мезбонлик қилган хорижий давлатлар (Хитой, Россия, Корея ва бошқалар)нинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон давлат спорт академияси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Спортни ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 10-илова\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири А.И. Икромов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 3 ноябрь,  
ПҚ-414-сон

\* 10-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ**

**413** Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ–240-сон «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баргараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари қўйидаги мазмундаги 78<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«781. ЖИЭМларда сақланаётган маҳкумлар электрон давлат хизматлари, шу жумладан нотариат хизматларидан фойдаланиши учун ЖИЭМ маъмурияти томонидан алоҳида хона ажратилади. Мазкур хона веб-камера ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган компьютер техникаси билан техникаси билан жиҳозланади.»

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Олий суди билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 24 октябрь,  
453-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 31 октябрда эълон қилинган.

*Келишилди:*

*Бош прокурор*

*Н. ЙЎЛДОШЕВ*

*2022 йил 19 октябрь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*Б. МУСАЕВ*

*2022 йил 24 октябрь*

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Н. ХУСАНОВ*

*2022 йил 20 октябрь*

*Олий суд раиси*

*Б. ИСЛАМОВ*

*2022 йил 18 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**414** Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3237-2*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 августдаги 529-сон «Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 27 апрелдаги 2020-06-сон қарори (рўйхат рақами 3237, 2020 йил 30 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.05.2020 й., 10/20/3237/0713-сон) билан тасдиқланган Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 4 октябрь,  
2022-29-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 31 октябрда эълон қилинган.

Келишилди:

*Молия вазири*

*Т. ИШМЕТОВ*

2022 йил 26 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил  
4 октябрдаги 2022-29-сон қарорига  
ИЛОВА

**Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш,  
бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек  
солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар  
таркибини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом давлат солиқ хизмати органлари (бундан буён матнда солиқ органлари деб юритилади) томонидан солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартибини белгилайди.»

2. 1-бандда:

а) иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**солиқ тўловчи** — Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) мувофиқ зиммасига белгиланган солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар.»;

б) тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**учинчи шахс** — ўз фаолиятида қонунчиликда тақиқланмаган мақсадларда фойдаланиш учун солиқ тўловчига доир маълумотларни тақдим этиш юзасидан солиқ органларига ёки «Ишончли ҳамкор» автоматлаштирилган ахборот тизими (бундан буён матнда «Ишончли ҳамкор» ААТ деб юритилади) орқали мурожаат қилган шахс»;

в) қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«**Ишончли ҳамкор» ААТ** — солиқ тўловчилар тўғрисидаги солиқ сирини ташкил этмайдиган маълумотлар ва ҳисоб маълумотлар, ҳисобварақ-фактуралар ва чекларда кўрсатилган маҳсулотларнинг (товар ва хизматларнинг) ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация кодларини, шунингдек, мажбурий маркировкаланган маҳсулотлар бўйича тахлилий ва қайта ишланган маълумотларни учинчи шахсларга реал вақт режимида юбориш имкониятига эга автоматлаштирилган ахборот тизими.»

3. 2-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички ишлар органларидан олинган паспорт ёки идентификация ID-карта

маълумотлари, бундан жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) мустасно;».

4. 3-бандда:

а) учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик шахслар учун — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жисмоний шахслар учун — жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) тўғрисидаги маълумотлар;»;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 сентябрдаги 539-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида низомда белгиланган солиқ тўловчиларнинг очиқ турдаги маълумотлар таркибига киритилган ҳисоб маълумотлари.».

5. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Юридик шахс тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари таркибига қуйидагилар кирилади, хусусан:

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

тўлиқ ва қисқартирилган номи;

жойлашган ери (почта манзили);

ташкилий-хуқуқий шакли;

мулкчилик шакли;

иқтисодий фаолият тури;

давлат бошқарув идораларига тааллуқлилиги;

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жойи ва рақами, рўйхатдан ўтказувчи орган;

раҳбар маълумотлари;

устав фондининг (устав капиталининг) миқдори — тижорат ташкилотлари учун;

фаоллик ҳолати;

кичик тадбиркорлик субъектига тегишлилиги;

банк реквизитлари;

алоҳида бўлинмалар тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишлари ва бу қоидабузарликлар учун жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ тўловчилар томонидан қўлланиладиган солиқ режимлари ва қўшилган қиймат солиғини тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилганлик тўғрисидаги маълумотлар;

тўланган солиқларнинг ва солиқ қарзининг суммалари ҳақидаги маълумотлар;

ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони тўғрисидаги маълумотлар;

молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича даромадлар ва харажатлар суммалари тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган иштирокчилар солиқ

тўловчисининг идентификация рақами, чет эллик иштирокчининг мамлакати ҳамда ҳар бир муассиснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши кўрсатилган ҳолда иштирокчиларнинг тўлиқ таркиби — тижорат ташкилотлари учун.».

6. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари таркибига уларнинг қўйидаги шахсий маълумотлари киритилади:

фамилияси, исми, отасининг исми;

фуқаролиги;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи ёки идентификация ID-карта маълумотлари;

яшаш жойи (манзили).».

7. Қўйидаги мазмундаги 10<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«10<sup>1</sup>. Солиқ тўловчи солиқ органларининг маълумотлар базасида мавжуд бўлган ўз ҳисоб маълумотларини солиқ органининг сўровига кўра солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тасдиқлаши керак.».

8. 11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш юридик шахслар учун солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жисмоний шахслар учун жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) асосида амалга оширилади.».

9. 19-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Тижорат ташкилотларига солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда «Ишончли ҳамкор» ААТ орқали тақдим этилади.».

10. 21-банднинг иккинчи хатбошиси «шахсий кабинет» деган сўзлардан кейин «ёки «Ишончли ҳамкор» ААТ» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. 29-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Учинчи шахс томонидан солиқ органларидан олинган солиқ сири ҳисобланган маълумотлар ва ахборотлардан фақат хизмат доирасида фойдаланилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**415** **Крипто-дўкон фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3395*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **бююраман:**

1. Крипто-дўкон фаолиятини амалга ошириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 29 сентябрь,  
43-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги  
директорининг 2022 йил 29 сентябрдаги  
43-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Крипто-дўкон фаолиятини амалга ошириш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар крипто-дўкон фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**крипто-дўкон** — крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш юзасидан хизматлар кўрсатиш бўйича электрон платформа ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуини тақдим этувчи ташкилот (юримдик шахс);

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 31 октябрда эълон қилинган.



**мижозлар** — крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича операцияларни амалга оширувчи жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик жисмоний шахслар;

**листинг** — крипто-дўкон томонидан крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш учун савдо саватига қўшиш жараёни;

**делистинг** — крипто-дўкон томонидан крипто-активларни савдо саватидан чиқариш жараёни;

**савдо савати** — крипто-дўкон томонидан крипто-дўконнинг электрон платформасида ёки савдо объекти орқали мижозлар билан сотиб олиш ва (ёки) сотиш операцияларини амалга ошириш учун рухсат этилган крипто-активлар рўйхати;

**крипто-дўконнинг электрон платформаси** — крипто-дўконнинг қуйидагилар амалга ошириладиган ахборот тизими:

крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш;

листинг ва делистинг;

крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операциялари бўйича ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда шакллантириш;

крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операциялари амалга оширилмаган талабномалар бўйича ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда шакллантириш;

крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва ошкор қилиш;

мижозларга крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операцияларини амалга оширишни қулайлаштиришга қаратилган бошқа ташкилий-техник ишлар;

**крипто-дўконнинг техник ва дастурий воситалари** — крипто-дўконнинг қуйидагилар амалга ошириладиган дастурий-аппарат мажмуаси:

крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операциялари;

мижозларга крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операцияларини амалга оширишни қулайлаштиришга қаратилган бошқа ташкилий-техник ишлар;

**крипто-дўконнинг савдо объекти** (бундан буён матнда савдо объекти деб юритилади) — крипто-дўконнинг техник ва дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда крипто-дўкон ва мижозлар ўртасида крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган (мослаштирилган) хона ёки иншоот;

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги.

2. Крипто-дўкон фаолиятини ташкил этиш Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3380, 2022 йил 15 август) мувофиқ амалга оширилади.

Крипто-дўкон ўз фаолиятини крипто-дўконнинг электрон платформаси ва (ёки) савдо объекти орқали амалга оширади.

3. Крипто-дўкон:

ўз электрон платформаси ва (ёки) техник ва дастурий воситаларининг зарур даражада ишлашини таъминлаши;

крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операциялари ҳисобини алоҳида юритиши;

ҳар куни кун якуни бўйича миқозлар билан амалга оширилган операциялар ҳақидаги барча маълумотларнинг (электрон ёки қоғоз шаклда) захира нусхасини яратиши;

миқозларнинг крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича талабномалари ижросини таъминлаши;

электрон платформаси ва (ёки) техник ҳамда дастурий воситаларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаши;

ходимлар ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб қилинган шахсларнинг крипто-дўкон фаолиятини тартибга солувчи, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ва крипто-дўкон томонидан тасдиқланадиган локал ҳужжатларни (бундан буён матнда локал ҳужжат деб юритилади) билиш даражасини доимий ошириб бориши;

мажбурий идентификациядан ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ текширувдан ўтган миқозларгагина крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операцияларини амалга оширишга руҳсат бериши;

крипто-активларни реклама қилиш ва ўз фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган талабларга риоя этиши лозим.

4. Крипто-дўкон қуйидагиларни тартибга солувчи локал ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим:

крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операциялари, шу жумладан крипто-активлар листинги ва делистингини амалга ошириш қоидалари; миқозларни идентификациядан ўтказиш қоидалари.

5. Крипто-дўкон миқозлари олдидаги мажбуриятларини бажариш учун крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) бошқа крипто-активларга айирбошлаш операцияларини Ўзбекистон Республикасида жойлашган крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари ёки хорижий давлатда жойлашган платформаларда амалга оширишга ҳақли.

6. Крипто-дўкон крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича операциялар устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади.

Крипто-дўкон миқозлар томонидан мазкур Қоидаларнинг талаблари бузилиши ҳолатларининг ҳисобини юритиши ҳамда ушбу ҳолатлар ҳақида ваколатли органнинг сўровномасига асосан сўровномани олган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай маълумот тақдим этиши лозим.

Жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, крипто-дўкон дарҳол ваколатли орган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ёзма равишда хабар беришга мажбур.

7. Кripto-дўконда қуйидаги операциялар амалга оширилади:

а) крипто-дўконнинг электрон платформаси орқали:

жисмоний шахслар томонидан банк ўтказмаларини амалга ошириш орқали крипто-активларни миллий валютада сотиб олиш ва (ёки) сотиш;

чет эллик жисмоний шахслар томонидан банк ўтказмаларини амалга ошириш орқали крипто-активларни хорижий валютада сотиб олиш ва (ёки) сотиш;

б) крипто-дўконнинг савдо объекти орқали:

жисмоний шахслар томонидан банк ўтказмаларини амалга ошириш орқали крипто-активларни миллий валютада сотиб олиш;

мижозлар томонидан крипто-активларни нақд пул кўринишида миллий ва (ёки) хорижий валютада сотиб олиш;

мижозлар томонидан крипто-активларни фақат миллий валютада сотиш.

Сотиб олиш объекти сифатида крипто-активларни танлаш ва бу танловнинг тегишли оқибатлари сотиб олувчининг ўз таваккалчилигидир.

8. Кripto-дўконда қуйидаги операцияларни амалга ошириш тақиқланади:

мажбурий идентификациядан ўтказилмаган мижозлар билан амалга ошириладиган операциялар;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган крипто-активлар билан операциялар;

аноним крипто-активлар ҳамда ўзаро ўзгармас токенларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операциялари.

9. Кripto-дўкон ўзининг электрон платформаси ёки савдо объектида мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида кўрсатилган маълумотлар жойлаштириши лозим.

## **2-боб. Мижозлар билан муносабатларни ташкил этиш**

10. Кripto-дўкон ўзининг электрон платформаси ёки савдо объекти орқали крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича операцияларни ташкиллаштиради.

11. Мижоз крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш имкониятига эга бўлиш учун крипто-дўконнинг электрон платформаси ва савдо объекти орқали мажбурий идентификациядан ўтади ҳамда крипто-дўкон билан шартнома тузади.

12. Мижозлар мажбурий идентификациядан ўтиш учун крипто-дўконга қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этади:

жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси ва жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

мижоз билан алоқа ўрнатиш учун контакт маълумотлари (телефон рақами ёки электрон почта манзили);

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар.

13. Кripto-дўкон қуйидагилар билан шартнома тузишга ҳақли эмас:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига асосан террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахслар.

14. Кripto-дўкон шартнома тузиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда шартноманинг матнини ўзининг электрон платформаси ва савдо объектига жойлаштиради. Бунда, шартнома тузиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда шартноманинг матни мижозларга шартнома тузилишидан олдин оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда етказилиши лозим.

15. Кripto-дўкон шартнома тузишдан олдин мижозларни қўйидаги шартлар ҳақида хабардор қилиши шарт:

мазкур Қоидаларнинг 6-бандида назарда тутилган маълумотлар ваколатли органга юборилиши мумкинлиги;

мижозлар билан музокаралар уларнинг розилиги билан аудио- ёки видеоёёзув шаклида ёзиб борилиши, шунингдек ёзишмалар тарихи сақлаб қўйилиши;

мазкур Қоидаларнинг 7-бандида назарда тутилган талаблар;

мазкур Қоидаларга мувофиқ мижозларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

16. Кripto-дўкон савдо объектининг хавфсизлигини таъминлаши, шунингдек уни мижозлар билан амалга ошириладиган музокаралар жараёнларини аудио- ва видео тасвирга қайд этиш воситалари билан жиҳозлаши керак.

17. Кripto-дўкон ва мижоз ўртасида савдо объекти орқали ёзма шаклдаги шартномани тузишда мижоз мазкур Қоидаларнинг 12-бандида назарда тутилган маълумотларни тақдим этган ҳолда талабномани (электрон ёки қоғоз шаклида) тўлдиради. Бунда, ҳар бир операция учун мижоз томонидан янги талабнома тўлдирилади.

18. Кripto-дўкон ва мижоз ўртасида крипто-дўконнинг электрон платформаси орқали шартнома тузилган тақдирда, мижозга крипто-дўконнинг электрон платформасида ҳисобга олиш ёзуви (шахсий кабинет) яратилади.

Кripto-дўконнинг электрон платформасида бир мижозга фақат битта ҳисобга олиш ёзуви (шахсий кабинети) яратилади.

19. Мижозлар мазкур Қоидалар ва локал ҳужжатлар талабларини бузган тақдирда, улар учун крипто-дўконнинг электрон платформаси ва савдо объектида крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операцияларини амалга ошириш имконияти уч ой муддатга чекланади. Бунда, мижозлар ушбу муддат ичида крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича шартномаларнинг иштирокчиси бўла олмайди.

### **3-боб. Кripto-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш**

20. Кripto-дўкон крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича операцияларни амалга оширишда:

савдо объекти орқали мижозга крипто-активлар сотилган тақдирда, тўловни миллий ва (ёки) хорижий валютада электрон ёки нақд пул шаклида қабул қилади;

савдо объекти орқали мижоздан крипто-активлар сотиб олинган тақдирда, тўловни миллий валютада электрон ёки нақд пул шаклида амалга оширади;

электрон платформа орқали крипто-активлар сотилган ва (ёки) сотиб олинган тақдирда, тўловни миллий ва (ёки) хорижий валютада электрон шаклда амалга оширади;

мижозга савдо объекти орқали крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича операциялар амалга оширилганлигини тасдиқловчи мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотнома тақдим этади;

тўпланган нақд пул шаклидаги тушумларни қонунчиликда белгиланган тартибда банкка топширилишини таъминлайди.

21. Крипто-дўкон билан мижозлар ўртасида савдо объекти орқали крипто-активларни сотиш ва (ёки) сотиб олиш бўйича шартнома икки нусхада тузилади ва имзоланади. Шартноманинг бир нусхаси крипто-дўконда қолади.

22. Крипто-дўконнинг электрон платформасида крипто-активларни сотиш ва (ёки) сотиб олиш бўйича шартнома оферта ва акцепт тарзида электрон шаклда тузилади.

23. Крипто-дўкон крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операциялари бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди.

24. Крипто-дўкон мижозлар маблағларини қабул қилиш ва сақлашга, шунингдек уларнинг номидан ва уларнинг ҳисобидан крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича операцияларда иштирок этишга ҳақли эмас.

25. Крипто-дўкон ҳар куни мижозлар билан крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича амалга оширилган операциялар, шунингдек крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича бажарилган ва бажарилмаган талабномалар тўғрисида ҳисобот тузади. Бунда, ҳисоботларга тузатишлар ва ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

26. Крипто-дўкон крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш бўйича амалга оширилган операциялар ва талабномалар ҳақидаги ҳисоботларни:

мижозларга — уларга тегишли қисмини, бундай сўров қабул қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай;

ваколатли органга — унинг сўровида кўрсатилган муддатда беғараз тақдим этиши лозим.

#### **4-боб. Яқуний қоидалар**

27. Крипто-дўкон ва мижоз ўртасидаги низолар томонларнинг келишуви-га кўра ёки суд тартибида ҳал қилинади.

28. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Крипто-дўкон фаолиятини  
амалга ошириш қоидаларига  
1-ИЛОВА

**Крипто-дўконнинг электрон платформаси ва (ёки) савдо  
объектида жойлаштириладиган  
АХБОРОТЛАР**

1. Крипто-дўкон ҳақидаги маълумотлар (номи, жойлашган ери (почта манзили), давлат рўйхатидан ўтказилган рақами ва санаси, солиқ тўловчининг идентификация рақами, таъсисчилари ва раҳбарияти).

2. Боғланиш маълумотлари (электрон почта манзили ёки телефон рақами, боғланиш учун масъул шахс).

3. Крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операцияларини амалга ошириш шартлари ва шартнома матни.

4. Крипто-дўконнинг ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) норози бўлган мижозлар томонидан низони ҳал этиш усуллари ва чора-тадбирлари ҳақидаги маълумот (шу жумладан, медиация ёки суд орқали).

5. Крипто-дўкон фаолияти тўғрисидаги рекламада кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар.

6. Крипто-дўконнинг савдо савати, крипто-активларнинг жорий нархлари, кўрсатиладиган хизматлар учун белгиланган комиссиялар ёки мукофотлар тўғрисидаги маълумотлар.

Крипто-дўкон фаолиятини  
амалга ошириш қоидаларига  
2-ИЛОВА

---



---



---

(крипто-дўконнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва бошқа боғлиқ маълумотлари)

**Мижозга крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки)  
сотиш бўйича операция тўғрисидаги  
\_\_\_\_\_сон МАЪЛУМОТНОМА**

<b>Савдо объектнинг манзили:</b>	
<b>Операция рақами (тартиб рақами):</b>	
<b>Операция амалга оширилган сана:</b>	
<b>Операция тури (сотиб олиш/сотиш):</b>	
<b>Крипто-актив тури:</b>	
<b>Крипто-актив миқдори:</b>	
<b>Операциянинг миқдори:</b>	
<b>Мижознинг фамилияси, исми ва отасининг исми:</b>	

\_\_\_\_\_ (масъул шахснинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**416** Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти  
(14-сонли БҲС) «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»ни  
тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3396*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва давлат секторида бюджет ҳисобини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (14-сонли БҲС) «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ 2023 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 3 октябрь,  
53-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги  
53-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти  
(14-сонли БҲС) «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»**

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (14-сонли БҲС) «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари, бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда бюджет маблағлари олувчиларнинг (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) пул оқимлари тўғрисида ҳисоботини тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Стандарта қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**пул маблағлари** — кассадаги, ҳисоб рақамдаги, шахсий ғазна ҳисобварақдаги ҳамда талаб қилиб олинадиган депозитлардаги маблағлар;  
**пул маблағлари эквиваленти** — бу қисқа муддатли юқори ликвидли

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 ноябрда эълон қилинган.



инвестициялар бўлиб, улар пул маблағларига осонлик билан айлантирилади ва уларнинг қийматида аҳамиятсиз ўзгариш мавжуд бўлади;

**пул оқимлари** — пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентининг тушумлари ва чиқимлари;

**назорат** — ўз фаолиятдан фойда олиш учун ташкилотларнинг молиявий ва операцион сиёсатини белгилаш ҳуқуқи;

**молиявий фаолият** — ташкилотларнинг киритилган капитали ёки жалб қилинган маблағлари миқдори ва таркибини ўзгартиришга олиб келадиган фаолият;

**инвестицион фаолият** — узоқ муддатли активларни ва пул маблағлари эквивалентларига киритилмаган бошқа инвестицияларни сотиб олиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир;

**операцион фаолият** — бу ташкилотларнинг инвестицион ва молиявий бўлмаган фаолияти;

**ҳисобот санаси** — молиявий ҳисобот тайёрланадиган ҳисобот даврининг охири куни.

2. Ташкилотлар ушбу Стандарт талабларига асосан пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни иловадаги жадвалга мувофиқ тайёрлайди ва мазкур ҳисоботни ҳар бир ҳисобот даври учун молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми сифатида молия органига ёки юқори турувчи ташкилотга тақдим этади.

3. Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан пул оқимлари прогнози тўғрисидаги текшириш вақтида ташкилотларнинг фойда олиш ва нарх ўзгариши ўртасидаги таъсирини таҳлил қилиш учун фойдаланилмайди.

4. Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ташкилотнинг пул маблағларини ва пул маблағларининг эквивалентларини жалб этишни баҳолаш имконини беради.

Шунингдек, пул оқимлари тўғрисида ҳисобот ташкилотнинг операцион фаолияти натижалари бўйича ҳисоботнинг таққосланувчанлигини оширади, чунки у бир хил операциялар учун турли ҳисоб усулларидан фойдаланишнинг олдини олади.

5. Ўтган ҳисобот давларидаги пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан кейинги йиллар учун пул оқимлари миқдорини аниқлаш кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Бу аввалги давлардаги пул оқимларини қанчалик тўғри прогноз қилинганлигини ҳисоб-китоб қилиш учун фойдали ҳисобланади.

6. Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда пул тушуми манбалари, ҳисобот даврида товарлар (ишлар, хизматлар) учун сарфланган маблағлар ҳамда ҳисобот санасидаги пул маблағлари қолдиги кўрсатилади. Ташкилотларнинг пул оқимлари тўғрисида ҳисобот кўрсаткичлари молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ҳисобот бўйича ҳамда тегишли қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни беради.

Шунингдек, пул оқимлари тўғрисида ҳисобот кўрсаткичлари фойдаланувчиларга ташкилотлар ўз фаолиятини молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни қандай шакллантирганлиги ва бу маблағлардан қандай фойдаланганлигини аниқлаш имконини беради.

7. Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда пул тушумлари ва тўловлари учта

асосий фаолиятга ажратилади: операцион фаолият, инвестицион фаолият ва молиявий фаолият.

Ташкилотларнинг пул оқимларига, шунингдек банкдаги валюта ҳисоб рақамларидаги қолдиқларига операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятдан ташқари валюта айирбошлаш курсларидаги фарқлар ҳам таъсир қилади.

8. Стандартнинг мақсади ташкилотларнинг пул маблағлари ва пул эквивалентларидаги аввалги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни ҳисобот дарида операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятлар бўйича пул оқимлари сифатида таснифлайдиган ҳисоботни тузишдан иборат ҳисобланади.

### **2-боб. Пул маблағлари ва пул маблағларининг эквивалентлари**

9. Пул оқимлари пул маблағлари ёки пул маблағлари эквивалентларига мос келадиган компонентлар ўртасидаги ҳаракатларни ўз ичига олмайди, чунки ушбу компонентлар ташкилотнинг пул маблағларини бошқариш билан боғлиқ бўлиб, унинг операцион, инвестицион ёки молиявий фаолиятининг бир қисми эмас. Пул маблағларини бошқариш ортиқча пул маблағларини пул маблағлари эквивалентларига инвестиция сифатида киритишни ўз ичига олади.

10. Пул маблағлари эквивалентлари кўп ҳолларда инвестициялар ёки қисқа муддатли пул мажбуриятларини қоплаш учун мўлжалланган бўлади. Инвестицияларни пул маблағлари эквиваленти сифатида кўриб чиқиш учун инвестициялар пул миқдорига осонлик билан айлантирилиши ва қиймат ўзгариши хавфи сезиларсиз, яъни умумий қийматнинг 5 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда бўлиши керак. Инвестициялар қисқа муддатларда, яъни сотиб олиш кунидан бошлаб камида уч ой ёки ундан кам муддатда қопланиш имконияти мавжуд бўлса, бундай инвестициялар пул маблағлари эквиваленти ҳисобланади.

Бошқа ташкилотларнинг капиталига киритилган инвестициялар ушбу банднинг биринчи хатбошисидаги талаблар каби бўлмаса, улар пул маблағларининг эквивалентларига киритилмайди.

11. Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот учун назорат қилувчи ва бир нечта назорат қилинадиган ташкилотлар, яъни биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилардан иборат ташкилотлар гуруҳини иқтисодий субъект сифатида таснифлаш лозим.

Иқтисодий субъект таркибига ижтимоий ва тижорат мақсадларига эга ташкилотлар киритилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги имтиёзли шартларда хизмат кўрсатувчи ташкилотларни ва ушбу хизматларни тижорат асосида тақдим этадиган ташкилотларни ўз ичига олади.

12. Ташкилотлар пул маблағлари ва пул маблағларининг эквивалентлари таркибий қисмларини пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда аниқ ифода этади ва пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда кўрсатилган миқдорларни Мо-

лиявий ҳолат тўғрисида баланс ҳисоботида келтирилган кўрсаткичлар билан солиштириш учун тақдим этади.

13. Пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентларининг таркибий қисмларини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) «Ҳисоб сиёсати» (рўйхат рақами 2853, 2016 йил 27 декабрь) талаблари орқали ҳар қандай ўзгариш таъсирини белгилаш лозим. Масалан, ташкилотнинг фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, дивидендларни тўлаш операцион фаолият сифатида акс эттирилган бўлса, кейинчалик ташкилот фаолияти ўзгариши натижасида дивидендларни тўлаш инвестицион фаолият сифатида таснифланиши лозим.

### **3-боб. Келгусидаги иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш салоҳияти**

14. Активлар ташкилотлар мақсадларига эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ташкилот мақсадларига мувофиқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиладиган, аммо тўғридан-тўғри пул оқимлари киримини юзага келтирмайдиган активлар хизмат кўрсатиш салоҳиятини мужассамлаштирган активлар ҳисобланади.

Соф пул маблағлари тушумини ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган активлар келгусидаги иқтисодий фойда бўлган активлар сифатида тавсифланади.

15. Активлардан фойдаланиш мақсадларини тўлиқ ва ўз вақтида қамраб олинишини таъминлаш учун активларнинг асосий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, улар келгусидаги иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш салоҳияти бўйича активлар сифатида таснифланиши лозим.

16. Соф капитал Молиявий ҳолат тўғрисида баланс ҳисоботида активлар ҳамда мажбуриятлар ўртасидаги фарқ суммаси натижасида шаклланади.

### **4-боб. Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот таркиби**

#### **1-§. Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот тавсифи**

17. Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда ҳисобот давридаги пул оқимларининг операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятлар кесимидаги ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши керак.

18. Ташкилот ўз фаолиятининг хусусиятига мос келадиган шаклда операцион, инвестицион ёки молиявий фаолиятдан келадиган пул оқимлари тўғрисида маълумот беради.

Ушбу фаолиятларнинг таснифланиши ташкилотнинг молиявий ҳолатига, пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентлари ҳажмига тегишли фаолиятнинг таъсирини баҳолашга имкон берадиган маълумотлар билан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни таъминлайди. Ушбу маълумотдан фаолиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

19. Бир операция турли хил фаолият турлари билан боғлиқ бўлган пул

оқимларини ўз ичига олиши мумкин. Масалан, агар кредит бўйича пул маблағларини тўлаш фоизлар ва қарзнинг асосий миқдорини ўз ичига олса, фоизларни тўлаш операцион фаолиятга, асосий қарз миқдорини тўлаш эса молиявий фаолиятга тегишли бўлиши мумкин.

## 2-§. Операцион фаолият

20. Операцион фаолиятдан тушадиган соф пул тушуми миқдори ташкилот фаолиятида солиқ имтиёзлари мавжудлигини ҳамда унинг товар ва хизматларни олувчилар билан қай даражада таъминланганлигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичидир.

21. Соф пул оқимлари миқдори ва ташкилотнинг операцион фаолиятини сақлаб қолиш мулк эгаларига дивидендларни тўлаш ва молиялаштириш манбаларини жалб қилмаган ҳолда янги инвестицияларни амалга ошириш имкониятини аниқлашга ёрдам беради.

22. Операцион фаолиятдан келиб тушадиган пул оқимларининг аниқ таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумотлар операцион фаолиятдан келадиган келгусидаги пул оқимларини прогноз қилиш учун фойдаланилади.

23. Операцион фаолиятдан келиб тушадиган пул оқими, биринчи навбатда, ташкилотга пул оқимларини олиб келадиган асосий фаолият билан боғлиқдир. Операцион фаолиятдан келадиган пул оқимларига қуйидагилар киради:

солиқлар, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар кўринишидаги пул тушумлари;

ташкилот томонидан етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар шаклидаги пул тушумлари;

давлат ёки бошқа жамоат органлари томонидан берилган бошқа грантлар, трансфертлар ва бошқа пул ўтказмалари кўринишидаги пул тушумлари;

роялти, комиссия тўловлар ва бошқа турдаги даромадлар кўринишидаги пул тушумлари;

бошқа давлат сектори ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш учун тўловлар (кредитлардан ташқари);

товарлар ва хизматлар учун етказиб берувчиларга пул тўловлари;

ходимларга ва уларнинг номидан пул тўловлари;

суғурта ташкилотлари томонидан суғурта мукофотлари ва даъволар, аннуитет шартномалари бўйича тушумлар ва тўловлар, шунингдек бошқа полислар бўйича тўловлар;

тижорий ёки савдо мақсадларида тузилган шартномалар бўйича пул тушумлари ва тўловлар;

тўхтатилган фаолият бўйича пул тушумлари ёки тўловлар;

суд қарорлари билан боғлиқ пул маблағлари тушумлари ёки тўловлар.

24. Асосий воситаларни сотиш бўйича операциялар тегишли даврнинг соф фойдаси ёки зарарини ҳисоблашда фойда ёки зарарга олиб келиши мумкин. Бундай операциялардан келиб чиқадиган пул оқимлари инвестицион фаолиятдан келадиган пул оқимларига олиб борилади.

Бироқ, ижара учун мўлжалланган ва сотувга қўйилган асосий воситалар-

ни қуриш ёки сотиб олиш учун сарфланган маблағлар операцион фаолият билан боғлиқ пул оқимлари ҳисобланади.

25. Ташкилотлар оммавий савдога қўйиладиган ёки савдо қилиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятларга эга бўлиши мумкин, бу ҳолда уларни махсус қайта сотиш учун мўлжалланган захиралар сифатида таснифлаш лозим. Шу сабабли, қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш ёки улар билан савдо қилиш натижасида пайдо бўлган пул оқимлари операцион фаолият сифатида қаралади.

Шунингдек, халқаро молия институтлари томонидан тақдим этилган пул шаклидаги бўнақлар ва қарзлар ташкилотга пул тушумини олиб келадиган асосий фаолият билан боғлиқ бўлган операцион фаолиятда акс эттирилади.

26. Давлат бюджети ёки бошқа жамоат органлари томонидан ташкилотларга ўз фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлар операцион фаолият, капитал қурилиш ёки капитал қўйилмалар учун таснифланмаган ҳолда ажратилиши мумкин.

Агар ташкилотлар ушбу маблағларни мустақил равишда операцион фаолиятга, капитал қурилиш ёки капитал қўйилмаларга тақсимлай олмаса, унда бу маблағларни операцион фаолиятдан келадиган пул оқимларига киритиш керак ва молиявий ҳисоботларда изоҳ билан акс эттириш лозим.

### **3-§. Инвестицион фаолият**

27. Инвестицион фаолиятдаги пул оқимларини алоҳида ошкор қилиш муҳимдир, чунки у ташкилотга келажакда хизмат кўрсатишга мўлжалланган ресурсларни сотиб олиш учун қанча харажатлар сарфланганлигини кўрсатади.

28. Инвестицион фаолият билан боғлиқ пул оқимлари қўйидагилардан иборат:

асосий воситаларни, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун пул ўтказмалари (буларга тажриба-лойиҳа ишлари учун капитализация қилинадиган харажатлар ва асосий воситаларни ташкилот томонидан ўз мустақил равишда қуриши даврида амалга оширилган тўловлар киритилади);

асосий воситаларни, номоддий активларни ва бошқа узоқ муддатли активларни сотишдан тушган пул тушумлари;

хўжалик юритувчи субъектларнинг улушларини ёки қарз воситаларини сотиб олиш ва қўшма корхоналардаги улушларни олиш учун пул ўтказмалари (пул маблағлари эквиваленти ҳисобланган ёки савдога мўлжалланган воситалар учун тўловлардан ташқари);

ташкилотнинг хўжалик юритувчи субъектлардаги улушларини ёки қарз воситаларини сотишдан тушган пул тушумлари (пул маблағлари эквиваленти ҳисобланган ёки савдога қўйиладиган ёки сотиладиган воситаларидан тушган тушумлар бундан мустасно);

бошқа ташкилотларга берилган пул шаклидаги бўнақлар ва қарзлар (давлат молия институти томонидан бериладиган бўнақ ва қарзлардан ташқари);

бошқа ташкилотлардан берилган пул шаклидаги бўнақлар ва қарзларнинг қайтарилишидан тушган пул тушумлари (давлат молия институти то-

монидан бериладиган бўнак ва қарзларнинг қайтарилишидан тушган тушумлардан ташқари);

фьючерс ва форвард шартномалари, опционлар ва своплар бўйича пул шаклидаги тўловлар (тижорат ва савдо мақсадлари учун тузилган шартномалар ёки молиявий фаолият билан боғлиқ тўловлар бундан мустасно);

фьючерс ва форвард шартномалари, опционлар ва своплардан пул тушумлари (шартномалар оммавий савдога ёки савдо мақсадларига мўлжалланган бўлмаса ёки тушум молиявий фаолият сифатида таснифланиши билан боғлиқ тўловлар бундан мустасно).

#### **4-§. Молиявий фаолият**

29. Молиявий фаолият тўғрисидаги маълумотларнинг алоҳида ошкор этилиши катта аҳамиятга эга, чунки бу маълумотлар ташкилотни капитал билан таъминловчилар талабларига мувофиқ келгусидаги пул маблағлари ҳаракатини прогноз қилишда фойдаланилади.

30. Молиявий фаолиятга доир пул оқимларига қуйидагилар киради:

қарз мажбуриятлари, векселлар, облигациялар ва бошқа қисқа ёки узок муддатли қарзларни жалб қилишдан пул тушумлари;

қарз мажбуриятларини қайтариш бўйича пул тўловлари;

молиявий лизингни тўлаш учун лизинг олувчининг пул тўловлари.

#### **5-боб. Операцион фаолият бўйича пул оқимларини акс эттириш**

31. Ташкилотлар операцион фаолият бўйича пул оқимларини қуйидаги усуллардан бирини танлаган ҳолда ҳисоботни тақдим этади:

ялпи тушум ёки пул тўловларнинг асосий турлари тўғрисида маълумотларни акс эттирадиган бевосита (тўғридан-тўғри) усул;

фойда ёки зарар (профицит ёки дефицит) тўғрисидаги маълумотларни пул кўринишида бўлмаган операциялар натижаларига, операцион фаолият натижаси бўйича юзага келган муддати ўтган ёки ҳисобланган тушумларни (тўловларни), шунингдек даромадлар ёки харажатларнинг миқдорларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция ёки молиявий фаолиятдан келадиган пул оқимларига тузатиш киритишни акс эттирадиган билвосита усул.

32. Ташкилотлар томонидан операцион фаолиятдан келадиган пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни тайёрлашда бевосита усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бевосита усул орқали тайёрланган ҳисобот билвосита усул ёрдамида тайёрланган ҳисоботда мавжуд бўлмаган ва келажакда прогноз қилиш учун керакли бўлган маълумотларни тақдим этади.

33. Бевосита усул ёрдамида ялпи тушумнинг асосий турлари ёки пул маблағларини тўлаш тўғрисидаги маълумотлар қуйидагилар орқали олинади:

а) ташкилотнинг молиявий ҳисоботидан;

б) операцион фаолият орқали ифодаланган даромадлар ва харажатларни (давлат молия институтлари маблағларини жалб қилиш асосида юзага келган фоиз тушумлари ва харажатлари) ва молиявий натижалар тўғрисида-

ги ҳисоботнинг бошқа кўрсаткичларини қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритиш йўли билан:

муайян даврда захиралар ва жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришлар;

бошқа нақд пулсиз транзакциялар;

инвестиция ёки молиявий фаолиятни келтириб чиқарадиган пул оқимлари.

Операцион фаолиятдан келадиган пул оқими тўғрисида ҳисоботни тайёрлашда бевосита (тўғридан-тўғри) усулдан фойдаланилганда, ташкилотлар томонидан одатдаги фаолиятдан олинган соф фойда ёки зарар суммаси ҳамда операцион фаолиятдан олинган соф пул оқими ўзаро солиштирилиши лозим. Ушбу солиштириш натижалари пул оқимлари тўғрисида ҳисоботга ёки молиявий ҳисоботнинг изоҳ қисмларига киритилиши лозим.

34. Билвосита усулдан фойдаланилганда, операцион фаолиятдан келадиган соф пул оқими жорий операцион фаолиятнинг соф фойда ёки зарарига тузатиш киритиш йўли билан қуйидаги факторларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади:

муайян даврда товар-моддий захиралар ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришлар;

амортизация, баҳоланган мажбуриятлар, муддати ўтган солиқлар, реализация қилинмаган валюта курсидан фойда ва зарарлар;

инвестицион ёки молиявий фаолиятни келтириб чиқарадиган пул оқимларига олиб келадиган бошқа кўрсаткичлар.

#### **6-боб. Инвестицион ва молиявий фаолият бўйича пул оқимларини акс эттириш**

35. Ташкилот ўз ҳисоботида инвестицион ва молиявий фаолиятдан вужудга келган ялпи тушум ва пул тўловлари асосий турларини алоҳида акс эттиради.

36. Операцион, инвестицион ёки молиявий фаолиятнинг қуйидаги пул оқимлари турлари нетто (кирим ва чиқимларнинг фарқи) асосида ҳисоботларда акс эттирилади:

ташкилот фаолиятига тааллуқли бўлмаган ҳамда миждозлар, солиқ тўловчилар ёки бенефициарлар номидан келиб тушган пул маблағларининг тушумлари ва пул тўловлари;

тез айланиши, катта ҳажмли ва қисқа муддатларда қопланиши билан тавсифланадиган активлар бўйича пул маблағларининг тушумлари ва тўловлари.

37. Стандартнинг 36-банди иккинчи хатбошиси фақат ҳисобот берувчи ташкилот томонидан пул маблағларининг охириги қолдиғи назорат қилинадиган операцияларга нисбатан қўлланилади.

Бундай пул маблағлари тушумлари ва тўловларига мисоллар қуйидагилардир:

бир ташкилот томонидан бошқа бир ташкилот учун солиқлар, йиғим-

лар ва солиқ бўлмаган тўловларни ундириш (давлат томонидан тақсимлаш тўғрисидаги битимлар бўйича йиғилган тўловлар бундан мустасно);

ташкилотлар томонидан молия институтларининг талаб қилиб олинган депозитлари маблағларини қабул қилиши ва тўлаши;

инвестиция ёки траст (ишонч) фондлари мижозларининг маблағлари;

мулк эгалари номидан йиғилган ва уларга берилган ижара ҳақи.

38. Стандартнинг 36-банди учинчи хатбошисида санаб ўтилган пул маблағлари тушумлари ва бўнак тўловларига мисоллар қуйидагилар:

инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш;

бошқа қисқа муддатли, жумладан, қопланиш муддати уч ойгача бўлган қарзлар.

39. Давлат молия институтларининг қуйидаги фаолиятларидан пул оқимлари ҳисоботларида нетто асосида (кирим ва чиқимларнинг фарқи) тақдим этилиши мумкин:

муддати қатъий белгиланган депозитлар бўйича пул тўловларини қабул қилиш ва тўлаш;

бошқа молия институтларида депозитларга маблағ жойлаштириш ва олиш;

мижозларга аванс тўловлари ва кредитлари, шунингдек ушбу аванслар ва кредитларнинг қайтарилиши.

## **7-боб. Хорижий валютадаги пул оқимлари, фоизлар ва дивидендлар, пул маблағлари билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китоблар**

### **1-§. Хорижий валютадаги пул оқимлари**

40. Хорижий валютадаги пул оқимлари ташкилотнинг функционал валютаси бўйича пул маблағлари ҳаракати санасидаги функционал ва хорижий валюталар ўртасидаги айирбошлаш курси бўйича акс эттирилади.

Чет элда бошқариладиган ташкилотларнинг пул оқими пул маблағлари ҳаракати санасидаги функционал ва хорижий валюта ўртасидаги айирбошлаш курси бўйича ҳисобот даврида қайта ҳисоб-китоб қилинади.

41. Хорижий валюталарда кўрсатилган пул оқими Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (4-сонли БҲС) «Валюта курси ўзгаришининг таъсири» (рўйхат рақами 3100, 2018 йил 14 декабрь) талабларига мувофиқ акс эттирилади.

Бу ҳақиқий курсга тахминан тенг бўлган айирбошлаш курсидан фойдаланишга имкон беради. Масалан, маълум давр учун ўртача айирбошлаш курси чет эл валютасидаги операцияларни акс эттириш ёки чет элдаги бошқариладиган субъектнинг пул оқимларини қайта ҳисоблаш учун ишлатилиши мумкин.

42. Валюта айирбошлаш курсларининг ўзгариши натижасида реализация қилинмаган фойда ва зарарлар пул оқими ҳисобланмайди.

Бироқ, валюта айирбошлаш курсининг ўзгаришидаги қиймат чет эл валютасидаги пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентларига таъсири



пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда ҳисобот даврининг боши ва охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига солиштиришни таъминлаш мақсадида акс эттирилади.

Бу қиймат операция, инвестицион ва молиявий фаолиятдан келадиган пул оқимларида алоҳида сатрда кўрсатилади ва пул оқимлари тўғрисида ҳисобот даври якунидаги айирбошлаш курси бўйича юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай фарқни ўз ичига олади.

## 2-§. Фоизлар ва дивидендлар

43. Фоизлар ва дивидендларни олиш ва тўлашдан келиб чиқадиган пул оқимлари алоҳида ифодаланиши керак. Мазкур пул оқимлари ҳисобот даврларида операция, инвестицион ёки молиявий фаолиятдан келадиган пул оқимлари сифатида таснифланиши керак.

44. Ҳисобот даврида тўланган фоизлар тўғрисида маълумот молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда харажат сифатида кўрсатилганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (11-сонли БҲС) «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар» (рўйхат рақами 3149, 2019 йил 9 апрель) талаблари асосида ифодаланишидан қатъи назар пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда акс эттирилади.

45. Тўланган дивидендлар молиявий маблағларни жалб қилиш харажатлари бўлгани учун молиявий фаолиятдан тушган пул оқимлари сифатида таснифланиши мумкин.

Шу билан бирга, ташкилот фаолиятдан келиб чиққан ҳолда тўланган дивидендлар фойдаланувчиларга ташкилотнинг тўлаш қобилиятини баҳолаш учун операция фаолиятдан тушган пул оқимларининг таркибий қисми сифатида таснифланиши мумкин.

## 3-§. Пул маблағлари билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китоблар

46. Пул маблағлари ёки пул маблағлари эквивалентларида тўловларни талаб қилмайдиган инвестицион ва молиявий операциялар пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан чиқариб ташланиши керак. Бундай операциялар (транзакциялар) бўйича маълумотлар молиявий ҳисоботнинг инвестицион ва молиявий фаолият тўғрисидаги маълумотларининг бошқа бўлимларида кўрсатилиши керак.

47. Инвестицион ва молиявий фаолиятнинг асосий қисми жорий пул оқимларига таъсир қилмайди, лекин ташкилот капитали ва активлари таркибига таъсир қилади. Пул маблағлари билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китоблар пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан чиқариб ташланиши лозим, чунки ушбу ҳисоб-китоблар жорий даврдаги пул оқимлари билан боғлиқ эмас. Пул маблағлари билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китобларга қуйидагилар киритилади:

активларни алмаштириш, мажбуриятларни тўғридан-тўғри қабул қилиш ёки молиявий лизинг орқали активларни сотиб олиш;

қарз мажбуриятларни улушга (капиталга) айлантириш.

**8-боб. Ахборотларнинг ошкор этилиши**

48. Ташкилотлар молиявий фаолият сабабли ўз мажбуриятларидаги ўзгаришларни пул маблағлари оқимлари таъсиридан қатъи назар ошкор этиши керак.

49. Ташкилотлар томонидан пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда фойдаланиш имконияти бўлмаган йирик миқдордаги пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентлари тўғрисидаги маълумот ташкилот раҳбарияти изоҳлари билан бирга ошкор этилиши керак.

50. Ташкилотлар балансидаги пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентларидан фойдалана олмаслик ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин. Масалан, валюта айирбошлаш бўйича чекловлар мавжудлиги. Бундай ҳолда ҳисобот тузишда қўшимча маълумотлар келтирилиши лозим.

51. Қўшимча маълумотлар фойдаланувчиларга ташкилотнинг молиявий аҳволи ва ликвидлилик даражасини тушунишлари учун фойдали бўлади. Бундай маълумотлар молиявий ҳисоботнинг изоҳларида тегишли тушунтиришлар билан бирга ошкор этилиши лозим ҳамда уларда қуйидагилар ифода этилиши керак:

келажақда операцион фаолият ва капитал мажбуриятларини қайтариш учун тақдим этилиши мумкин бўлган, фойдаланилмаган қарз маблағлари (кредит линиялари) миқдори;

фойдаланилиши чекланган пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентлари миқдори ва чекланиш асослари.

52. Ташкилотлар ҳисобот даври мобайнида хўжалик юритувчи субъектларнинг улушларини ёки қарз воситаларини сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ қуйидаги умумлаштирилган маълумотларни ошкор қилади:

олди-сотди шартномасининг умумий суммаси;

олди-сотди шартномаси бўйича пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентлари кўринишида олинган ёки тўланган суммаси;

сотиб олинган ёки сотилган хўжалик юритувчи субъектларнинг улушлари бўйича пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентларининг миқдори;

сотиб олинган ёки сотилган деб тан олинган актив ва мажбуриятларнинг қиймати (пул маблағлари ва пул маблағларининг эквивалентларидан ташқари).

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг  
стандарти (14-сонли БҲС) «Пул оқимлари  
тўғрисида ҳисобот»га  
ИЛОВА

## ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

20 \_\_ йил 1 \_\_\_\_\_ ҳолатига

Ташкилот \_\_\_\_\_

Ҳисобот даври: йиллик, 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь

Бюджет тури \_\_\_\_\_

Ўлчов бирлиги \_\_\_\_\_

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Кириш	Чиқим
1	2	3	4
<b>Операцион фаолият</b>			
Келиб тушган пул маблағлари (бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари)	010		
Товарлар (ишлар ва хизматлар) учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	020		
Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари	030		
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	040		
<b>Жами: операцион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (сатр 010-020-030+/-040)</b>	<b>050</b>		
<b>Инвестицион фаолияти</b>			
Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш	060		
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	070		
Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш	080		
Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	090		
<b>Жами: инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (сатр 060+/-070+/-080+/-090)</b>	<b>100</b>		
<b>Молиявий фаолият</b>			
Олинган ва тўланган фоизлар	110		
Олинган ва тўланган дивидендлар	120		
Хусусий акцияларни сотиб олганда ва уларни сотганда пул тўловлари ва тушумлари ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари	130		
Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари	140		
Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	150		
<b>Жами: молиявий фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (сатр 110+/-120+130-140+/-150)</b>	<b>160</b>		
<b>Йил бошидаги пул маблағлари</b>	<b>170</b>		
<b>Йил охиридаги пул маблағлари</b>	<b>180</b>		

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 24 октябрдаги 453-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2022 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-6.***

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 4 октябрдаги 2022-29-сон «Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2022 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3237-2.***

3. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 29 сентябрдаги 43-сон «Крипто-дўкон фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2022 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3395.***

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 53-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (14-сонли БХС) «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2022 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3396.***